

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**BUYRUQ****2007 йил «06» 06****№ 250**

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги тизимидағи муассасаларда
фуқароларнинг мурожаатлари билан
ишлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги
Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартағи 140-қарорига
асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи муассасаларда
фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни яхшилаш мақсадида

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи муассасаларда фуқароларнинг
мурожаатлари билан ишлаш тўғрисидаги Низомни иловага мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни
сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқлари ва вазирлик
тизимидағи муассасалар раҳбарларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг
бажарилиши таъминлансан;

1.2. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича статистик ҳисоботлар Низомда кўрсатилган иловалар
бўйича ҳар чоракнинг 1-санасига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигига топширилсан.

2. Фуқаролардан келаётган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши муддатлари Ўзбекистон Республикаси
«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига асосан олиб борилиши
таъминлансан.

3. Юқори ташкилотлардан келаётган фуқароларнинг ариза, шикоят ва хатларида муддат белгиланган
булса, уларни кўриб чиқиши жараёнида текширув ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиш ва
бошқа чора-тадбирлар ўтказилиши зарур бўлганда, юқори ташкилотга муддатни узайтириш тўғрисида
маълумот юборилиши зарурлиги инобатга олинсан.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2003 йил 3 мартағи 96-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб
хисоблансан.

Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б.И. Ниязматов
зиммасига юклатилсан.

ВАЗИР**Ф.Г. НАЗИРОВ**

Хужжат тури: Буйруғ

Хужжат рақами: № 250

Қабул қилиниш санаси: 06.06.2007

250